

## ЎЗБЕКИСТОНДА ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

*Қурбонов Мухиддин Абдуллаевич*

*ТДИУ, Молия ва Бухгалтерия ҳисоби кафедраси катта ўқитувчиси (PhD)*

**Аннотация:** Иқтисодиётнинг ажралмас таркибий қисмларидан бири бўлган давлат харидлари тизимига эътибор бериш, уни такомиллаштириш бўйича илмий изланишларни олиб бориш ва зарурий чора-тадбирларни амалга ошириш муҳимдир. Мазкур тадқиқот ишида Ўзбекистон Республикаси давлат харидлари тизимини ривожлантириш ҳамда тартибга солишнинг зарурати, унинг ҳуқуқий асослари, шунингдек давлат харидлари соҳасига оид халқаро тажриба ўрганилиб, мамлакатимизда бу борадаги мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан илмий-амалий таклифлар ишлаб чиқилди.

**Калит сўзлар:** давлат хариди, давлат буюртмачилари, электрон дўкон, аукцион, танлов, тендер.

**Abstract:** It is important to pay attention to the public procurement system, which is an integral part of the economy, conduct research to improve it and take the necessary measures. In this research paper was examined the need to develop and regulate the public procurement system of the Republic of Uzbekistan, its regulatory framework, as well as international experience in the field of public procurement, and developed scientific and practical proposals to address existing problems and shortcomings in this sphere.

**Key words:** public procurement, public customers, electron shop, auction, competition, tender.

### КИРИШ

Давлат бюджети давлатнинг марказлаштирилган пул маблағлари бўлиб, унда даромад манбалари ва улардан тушадиган тушумлар, шунингдек харажат ҳажми ва йўналиши ўз аксини топади. Давлат харажатларининг ажралмас таркибий қисми сифатида давлат харидлари муҳим аҳамиятга эга ҳамда давлатнинг ўз вазифа ва функцияларини амалга оширишда асосий воситалардан ҳисобланади. Шунинг ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, давлат харидлари мамлакатларни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг муҳим дастаги бўлиб ҳам хизмат қилади.<sup>1</sup>

Давлат харидларининг амалга оширилиши иқтисодиётнинг турли соҳаларида ишлаб чиқариш даражаси юксалишига, товар (иш, хизмат)лар сифати ошишига, тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги рақобатни ривожланишига олиб келади. Кўпчилик мамлакатларда бўлгани каби республикамизда ҳам давлат харидларини амалга оширишнинг мукамал тизимини яратиш, унинг ҳуқуқий асосини шакллантириш ва мустаҳкамлаш, аниқ белгилаб берилган тартиб-қоидалар, мезонлар ҳамда тамойиллар асосида харидлар тизими фаолиятини ташкил этиш асосий мақсадлардан бири саналади.

<sup>1</sup> Курбонов, М. (2020). Зарубежный опыт эффективного использования финансовых ресурсов государственных целевых фондов. Экономика И Образование, 1(5), 163–166. извлечено от [https://inlibrary.uz/index.php/economy\\_education/article/view/4823](https://inlibrary.uz/index.php/economy_education/article/view/4823)

Бу ўз навбатида бюджет маблағларидан оқилона фойдаланилишига, давлат харидлари механизмининг такомиллашувига олиб келади.<sup>2</sup>

Мамлакатимизда давлат харидларининг аҳамияти ҳамда ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олиб, ушбу тизимни ислоҳ қилишга катта эътибор қаратилмоқда. Давлат харидларини амалга ошириш жараёнларининг ривожини биринчи навбатда мукамал қонунчилик базасини яратиш билан боғлиқлигини инобатга олган ҳолда айтиш мумкинки, республикада давлат харидлари соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш мақсадида 2018 йил 9 апрелда “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонуннинг<sup>3</sup> қабул қилиниши давлат харидларининг ҳуқуқий базасини мустаҳкамлашдаги муҳим қадам ҳамда ушбу соҳадаги асосий меъёрий ҳужжат бўлди.<sup>4</sup>

Давлат харидлари миқдорини энг мақбул даражада сақлаб туриш учун унинг юқори самарадорлигини таъминлаш долзарб масаладир. Бу масаланинг ҳал қилиниши кўп жиҳатдан бугунги кунда давлат харидлари соҳасида амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий йўналишларидан бири бўлган давлат хариди жараёнига замонавий ахборот технологияларини жорий этиш билан бевосита боғлиқдир. Ушбу ҳолатнинг аҳамияти ҳақида муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев ҳам фикр билдириб, “Яқин келажакда барча давлат харидларини амалга ошириш ва давлат мулкани сотиш учун Интернет тармоғида ягона майдон ташкил этиш лозим. Бу бюджет харажатларини қисқартириш, давлат мулкани самарали бошқариш ва катта молиявий маблағларни иқтисод қилиш имконини беради”<sup>5</sup> дея таъкидлаган эдилар.

### АСОСИЙ ҚИСМ

Давлат хариди давлат инфратузилмасини моддий-молиявий таъминлаш учун амалга оширилади. Давлат инфратузилмасини умумий тарзда иккита йирик таркибий қисмга ажратиш мумкин :

1. Иқтисодий инфратузилма (транспорт, маиший хизматлар, кундалик иқтисодий фаолиятни амалга ошириш учун бирламчи бўлган инфратузилмалар).

2. Ижтимоий инфратузилма (мактаблар, шифохоналар, кутубхоналар ёки бошқача қилиб айтганда, жамият кундалик ҳаёти учун бирламчи инфратузилмалар). Ижтимоий соҳаларга давлат харидини амалга ошириш зарурати жамият манфаатларидан келиб чиқади.

Давлат харидлари ҳақида сўз юритилганда энг аввало ушбу тушунчанинг қандай маънога эга эканлигини билиб олиш мақсадга мувофиқдир.<sup>6</sup>

<sup>2</sup> Курбонов, М. (2020). Зарубежный опыт эффективного использования финансовых ресурсов государственных целевых фондов. Экономика И Образование, 1(5), 163–166. извлечено от [https://inlibrary.uz/index.php/economy\\_education/article/view/4823](https://inlibrary.uz/index.php/economy_education/article/view/4823)

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонун ЎРҚ-472

<sup>4</sup> Курбонов, М. (2020). Зарубежный опыт эффективного использования финансовых ресурсов государственных целевых фондов. Экономика И Образование, 1(5), 163–166. извлечено от [https://inlibrary.uz/index.php/economy\\_education/article/view/4823](https://inlibrary.uz/index.php/economy_education/article/view/4823)

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. – Т.: “Халқ сўзи”, 23.12.2017.

<sup>6</sup> Курбонов Мухиддин Абдуллаевич. (2023). Камерал солиқ назорати, риск анализларни смарт технологиялардан фойдаланилган ҳолда амалга оширишни такомиллаштириш . образование наука и инновационные идеи в мире, 13(7), 36–41. Retrieved from <http://www.newjournal.org/index.php/01/article/view/2781>

*Давлат харидлари* – бюджет тизими бюджетларининг маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган товарлар, иш ва хизматлар харидларидир<sup>7</sup>. (Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси, 2013).

Бошқа сўз билан айтганда, *давлат хариди* – товар (иш, хизмат)ларни давлат буюртмачилари томонидан пулли асосда олиш<sup>8</sup> (Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонуни, 2018).

Бурхонов таъкидлашича, давлат хариди – бу давлат эҳтиёжлари учун товарлар ва хизматларни қисман ёки тўлиқ давлат маблағлари эвазига сотиб олишдир<sup>9</sup>.

Андреева давлат харидларининг ҳуқуқий масалаларини ўрганишда “давлат эҳтиёжлари”ни мустақил маънога эга бўлган ҳуқуқий тушунча сифатида алоҳида ажратиб кўрсатади<sup>10</sup>. Бунда давлат ҳамда давлат буюртмачиларининг функция ва ваколатларини амалга ошириш учун зарур бўлган давлат эҳтиёжларининг таркибига товар, иш ва хизматларга бўлган эҳтиёжлар киради. Давлат эҳтиёжларини қондириш учун харидларни амалга оширишда давлат жамият манфаатларидан келиб чиқади. Бунда давлат харидлари соҳасининг ўзига хослиги, жамият манфаатларини ифода этган ҳолда мулк айланмасида давлатнинг иштирокида намоён бўлади. Давлат томонидан тан олинган ва қонун билан ҳимояланадиган ижтимоий жамият манфаати, унинг мавжудлиги ҳамда ривожланишининг шarti ва кафолати умумий манфаат сифатида эътироф этилади. Шу тариқа, онгли равишда давлат томонидан тан олинган, умумий манфаат сифатида кўрилган ижтимоий жамият манфаати давлат фаолиятининг мақсади ҳисобланади.<sup>11</sup> Белов давлат харидига иқтисодий категория сифатида қарар экан, унга давлатнинг у ёки бу товарга бўлган конкретлашган (микдорий ва сифат кўрсаткичларни белгилаган ҳолдаги) эҳтиёжи<sup>12</sup>, деб таъриф беради.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, давлат харидига оид назарий қарашларда “давлат буюртмаси” “давлат хариди”га яқин тушунча сифатида қаралиб, улар бирга аралаш ҳолда талқин этилишини кўриш мумкин.<sup>13</sup>

Юқорида келтириб ўтилган давлат харидига оид фикр ва мулоҳазаларни умумлаштирган ҳолда айтиш мумкинки, “давлат хариди” ва “давлат буюртмаси” айнан бир хил бўлмаган, лекин ўзаро бир-бирига боғлиқ тушунчалардир. Фикримизча, уларга қуйидагича таъриф бериш ўринлидир, яъни давлат буюртмаси – давлат буюртмачиларининг товар (иш, хизмат)ларга бўлган талаби, давлат хариди эса товар (иш, хизмат)ларни, уларни етказиб берувчилар ва давлат

<sup>7</sup> Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси, 2013

<sup>8</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонуни, 2018

<sup>9</sup> Бурхонов У. (2010) Давлат хариди, infoCOM.uz МЧЖ нашриёти, Тошкент.

<sup>10</sup> Андреева, Л. В. (2009) Закупки товаров для федеральных государственных нужд: правовое регулирование / Л. В. Андреева. — М.: Волтерс Клувер.

<sup>11</sup> Курбонов Мухиддин Абдуллаевич. (2023). Камерал солиқ назорати, риск анализларни смарт технологиялардан фойдаланилган ҳолда амалга оширишни такомиллаштириш . образование наука и инновационные идеи в мире, 13(7), 36–41. Retrieved from <http://www.newjournal.org/index.php/01/article/view/2781>

<sup>12</sup> Белов В.Е. (2005) Правовое регулирование размещения государственного заказа // Право и экономика. № 2.

<sup>13</sup> Курбонов Мухиддин Абдуллаевич. (2023). Камерал солиқ назорати, риск анализларни смарт технологиялардан фойдаланилган ҳолда амалга оширишни такомиллаштириш . образование наука и инновационные идеи в мире, 13(7), 36–41. Retrieved from <http://www.newjournal.org/index.php/01/article/view/2781>

буюртмачилари ўртасида тузилган шартнома асосида, бюджет ҳамда бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига сотиб олишдир.<sup>14</sup>

Бундан ташқари давлат харидларини амалга оширишда ўзига хос принциплардан фойдаланилади. Бу принциплар ўз навбатида харидларни тартибга солиш учун ҳам хизмат қилади. Қуйидаги расмда давлат харидлари принциплари билан танишишимиз мумкин.(1-расм)



**1-расм. Давлат харидининг асосий принциплари<sup>15</sup>**

Ҳозирги кунда республикада танлов ва тендер орқали амалга ошириладиган харид қилиш тартиб-таомилларининг электрон тизими жорий қилинмоқда. Электрон тендер ва электрон танлов савдоларини ўтказиш бўйича янги тартиб ишлаб чиқилган бўлиб, унга кўра буюртмачи томонидан тузилган харид комиссияси аъзоларининг ўзаро ва товар (иш, хизмат)ларни таклиф этаётган иштирокчилар билан мулоқоти, шунингдек ҳужжатлар айланмаси электрон шаклда амалга оширилади. Бунинг учун харид комиссиясининг ҳар бир аъзоси ва харид қилиш тартиб-таомили иштирокчиси учун шахсий кабинет очилади. Электрон тизим комиссия аъзоларига ёпиқ чатда, иштирокчилар билан эса очиқ чатда мулоқот қилиш имконини беради. Танлов ва тендер яқунлари

<sup>14</sup> Абдуллаевич ҚМ. Central European Management Journal. UZBEKISTAN REPUBLIC TO IMPROVE AGRICULTURAL FINANCING. 2022;30(3):1284-93.

<sup>15</sup> Абдуллаевич ҚМ. Central European Management Journal. UZBEKISTAN REPUBLIC TO IMPROVE AGRICULTURAL FINANCING. 2022;30(3):1284-93.

бўйича электрон баённома расмийлаштирилиб, у харид комиссияси аъзолари томонидан электрон рақамли имзолардан фойдаланган ҳолда имзоланади. Ғолиб билан шартнома ҳам электрон шаклда тузилади ва томонларнинг электрон рақамли имзолари билан тасдиқланади.

Юқорида келтириб ўтилган харид қилиш турлари бўйича шартнома суммаларига кўйилган меъёрлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида қатъий мустаҳкамлаб кўйилган.<sup>16</sup>

1-жадвалда бюджет буюртмачилари ва корпоратив буюртмачилар учун харид турлари бўйича алоҳида меъёрлар белгиланлигини кўриш мумкин. Харид қилиш турларининг бешинчи тури яъни, ягона етказиб берувчи билан амалга ошириладиган давлат харидлари суммалари кўрсатилмаган. Бунинг сабаби, ушбу харид турида шартнома бўйича аниқ миқдор мавжуд эмас.<sup>17</sup>

### 1-жадвал

#### Давлат харидларини амалга ошириш турлари бўйича мезонлар<sup>18</sup>

БХМда

Харид тури	Харид предмети	Бюджет буюртмачиси	Корпоратив буюртмачи
		Бир шартнома (БХМда)	бўйича қиймати
Электрон дўкон	товар	25 гача	250 гача
	иш, хизмат	Бир йилда 2500 гача	
Аукцион	товар	2500 гача	5000 гача
Танлов	товар	2500 дан 6000 гача	5000 дан 25000 гача
	иш, хизмат	25 дан 6000 гача	25 дан 25000 гача
Тендер	товар	6000 дан ортиқ	25000 дан ортиқ
	иш, хизмат		

**Манбаа:** Муаллиф томонидан “Харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида”ги низом (2018) асосида тайёрланган.

Бюджет маблағларининг самарадолиги ва иқтисод қилинишини нафақат электрон аукцион орқали амалга оширилган давлат харидларида, балки электрон дўконда ҳам кузатиш мумкин. Қуйидаги расмда айнан электрон дўкондаги савдолар натижасида 2018 ва 2019 йиллар давомида бюджет маблағларининг тежалиши келтирилган.(8-расм)

<sup>16</sup> Курбонов Мухиддин Абдуллаевич. (2023). БЮДЖЕТ ХАРАЖАТЛАРИ ТИЗИМИДА АУТСОРСИНГ ХИЗМАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ . World Scientific Research Journal, 12(3), 3–12. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2558>

<sup>17</sup> Курбонов Мухиддин Абдуллаевич. (2023). БЮДЖЕТ ХАРАЖАТЛАРИ ТИЗИМИДА АУТСОРСИНГ ХИЗМАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ . World Scientific Research Journal, 12(3), 3–12. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2558>

<sup>18</sup> Курбонов Мухиддин Абдуллаевич. (2023). БЮДЖЕТ ХАРАЖАТЛАРИ ТИЗИМИДА АУТСОРСИНГ ХИЗМАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ . World Scientific Research Journal, 12(3), 3–12. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2558>



**8-расм. Давлат харидлари бўйича электрон дўкон савдолари натижасида бюджет маблағларининг иқтисод қилиниши (Манба: ЎЗРТХБ маълумоти асосида)<sup>19</sup>**

Расм маълумотларидан кўришиб турибдики, 2018 йилда бюджет буюртмачилари томонидан электрон дўкондаги савдоларда 50.2 млрд. сўм (11%) бюджет маблағи тежалган. 2019 йилда эса бу кўрсаткич 137.5 млрд. сўмни (18.5%) ташкил этган. Корпоратив буюртмачиларнинг 2018 йилдаги электрон дўкон орқали амалга оширилган давлат харидларида 8.8 млрд. сўм (4.5%), 2019 йилда 65.8 млрд. сўм (13.4%) бюджет маблағи иқтисод қилинган.<sup>20</sup>

2018 йилда бюджет маблағлари тежалишининг камлигини, ушбу йилда давлат харидлари тизимида содир бўлган кўплаб ўзгаришлар, соҳани тартибга солувчи қонуннинг қабул қилиниши, давлат харидларини амалга ошириш учун махсус ахборот порталининг вақтинчалик фаолият юритмаганлиги каби сабаблар билан изоҳлаш мумкин.

## ХУЛОСА

- товар (иш, хизмат)ларнинг давлат хариди учун сифат назоратини амалга оширувчи янгича тизим ишлаб чиқиш;

- Давлат харидлари тизими ҳақида кенг тушунчага эга бўлиш учун ҳамда у ҳақидаги маълумотлардан кўпчиликни хабардор қилиш мақсадида оммабоп сайтларда рекламалар жойлаштириш;

- Биринчи маротаба давлат харидлари портали орқали харидларни амалга ошираётган тадбиркорларга ёки товар(хизмат) етказиб берувчиларга маълум бир белгиланган муддатга турли кўринишдаги (солиқларнинг айрим турларидан озод

<sup>19</sup> <https://uzex.uz/ru/pages/about-us>

<sup>20</sup> Курбонов Мухиддин Абдуллаевич. (2023). БЮДЖЕТ ХАРАЖАТЛАРИ ТИЗИМИДА АУТСОРСИНГ ХИЗМАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ . World Scientific Research Journal, 12(3), 3–12. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2558>

қилиш, имтиёзли кредитларнинг олишдаги фоиз ставкасини камайтириб бериш ва хоказо) имтиёзларни жорий этиш;

- давлат буюртмачилари томонидан харид қилинадиган маҳсулотлар нархлари бўйича энг юқори ва қуйи чегарани ўрнатиш мақсадида махсус ахборот портали билан бозорлардаги онлайн алоқани йўлга қўйиш лозим.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Курбонов, М. (2020). Зарубежный опыт эффективного использования финансовых ресурсов государственных целевых фондов. Экономика И Образование, 1(5), 163–166. извлечено от [https://inlibrary.uz/index.php/economy\\_education/article/view/4823](https://inlibrary.uz/index.php/economy_education/article/view/4823)
2. Курбонов Мухиддин Абдуллаевич. (2023). Камерал солиқ назорати, риск анализларни смарт технологиялардан фойдаланилган ҳолда амалга оширишни такомиллаштириш . Образование наука и инновационные идеи в мире, 13(7), 36–41. Retrieved from <http://www.newjournal.org/index.php/01/article/view/2781>
3. Абдуллаевич Қ.М. Central European Management Journal. UZBEKISTAN REPUBLIC TO IMPROVE AGRICULTURAL FINANCING. 2022;30(3):1284-93.
4. Курбонов Мухиддин Абдуллаевич. (2023). БЮДЖЕТ ХАРАЖАТЛАРИ ТИЗИМИДА АУТСОРСИНГ ХИЗМАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ . World Scientific Research Journal, 12(3), 3–12. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2558>
5. Қличев Б.П. (2022). Истеъмолчи манфаатлари асосида маҳсулотга баҳо шакллантириш масалалари таҳлили. “Иқтисодиёт: таҳлиллар ва прогнозлар”, ISSN: 2181-0567, 4 (20)-сон, 170-175, УЎК: 338.4 (575.1) <https://ifmr.uz/journals/18>;
6. Бозорова Озода Рахимовна. (2023). МАМЛАКАТИМИЗДА ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ . World Scientific Research Journal, 12(2), 178–185. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2548>
7. Yusupova F., Abdullaeva S. Prospects for the Development of Dairy Farming of Dekhkan Farms in Uzbekistan // Бюллетень науки и практики. 2022. Т. 8. №8. С. 88-96. <https://doi.org/10.33619/2414-2948/81/14>
8. Кличев, Б. (2023). Корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми таҳлилини такомиллаштириш масалалари. Направления развития благоприятной бизнес-среды в условиях цифровизации экономики, 1(01), 170 – 173, <https://doi.org/10.47689/TSUE2022-pp170-173>
9. Amonovich, T. S., Alijonovich, A. Z., Abdullaevich, K. M., & Solijanovna, A. S. (2022). Impact of Taxes on the Bank’s Profit. INTERNATIONAL JOURNAL OF SPECIAL EDUCATION, 37(3).
10. Shadibekova Dildor, Nosirova Nargiza, Bozorov Ilyos, Berdiyeva Uguloy. (2020) Prospective Development Analysis of Small Business and Entrepreneurship of Uzbekistan. Test Engineering & Management. March-April 2020 ISSN: 0193-4120 Page No. 1733-1743 <http://www.testmagazine.biz/index.php/testmagazine/article/view/3815/3347>
11. Бозоров Ильёс Исомиддинович, & Эргашова Сабрина Кузимуратовна. (2023). МАМЛАКАТДА ИНВЕСТИЦИОН ЛОЙИҲАЛАР ЖОЗИБАДОРЛИГИ ВА УНИ МОЛИЯЛАШ ТИЗИМИНИ БАҲОЛАШ МЕХАНИЗМИ . ОБРАЗОВАНИЕ НАУКА И ИННОВАЦИОННЫЕ ИДЕИ В МИРЕ, 13(7), 108–107. Retrieved from <http://www.newjournal.org/index.php/01/article/view/2789>

12. Қличев Бахтиёр Пардаевич (2023). Хўжалик юритувчи субъектларда операция фаолиятида ишлаб чиқариш ҳажмини ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлили. Scientific Journal of “International Finance & Accounting” Issue 2, April 2023. ISSN: 2181-1016, <http://interfinance.tfi.uz/?p=2696>
13. Саидова, У. (2020). EXTERNAL ECONOMIC ACTIVITIES OF UZBEKISTAN: PROBLEMS AND SOLUTIONS. <https://scienceproblems.uz/index.php/journal/article/view/16>
14. Saidova, O. R. (2020). ISSUES OF IMPROVING THE FOREIGN TRADE OF UZBEKISTAN. Economics and Innovative Technologies, 2020(2), 12. <https://core.ac.uk/download/pdf/336867043.pdf>
15. M.S.Tulayev, V.P.Qlichev, (2022). Moliyaviy hisob. (Darslik). ISBN 978-9943-8915-9-3, UO‘K: 657(075.8)
16. Тулаев, М. С., & Кличев, Б. П. (2022). ВОПРОСЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ УЧЕТА КОРПОРАТИВНЫХ ОБЛИГАЦИИ: ОБЯЗАТЕЛЬСТВО ИЛИ КАПИТАЛ. In Учет, анализ и аудит: их возможности и направления эволюции (pp. 146-154).
17. O.Xudoyorov (2017) Importance of credit risk management in banks. Экономика и бизнес: теория и практика № 5. <https://cyberleninka.ru/article/n/importance-of-credit-risk-management-in-banks>
18. О. Бозорова. (2023). ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНГИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙЎНАЛИШЛАРИ. ОБРАЗОВАНИЕ НАУКА И ИННОВАЦИОННЫЕ ИДЕИ В МИРЕ, 13(7), 24–29. Retrieved from <http://www.newjournal.org/index.php/01/article/view/2779>
19. Холикулова, Ю. (2023). Iqtisodiyotimizda transport-logistika xizmatlari tashkil etilishi va uning rivojlanishi. Направления развития благоприятной бизнес-среды в условиях цифровизации экономики, 1(02), 122–126. <https://doi.org/10.47689/TSUE2022-pp122-126>
20. О.О.Худоёров, & Х.Х.Гойипов. (2023). ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ САМАРАЛИ БОШҚАРИШДА ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ТАЖРИБАСИ. World Scientific Research Journal, 12(2), 244–253. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2555>
21. О.О.Худоёров, & Ш.О.Ғозоров. (2023). МАМЛАКАТНИНГ ИҚТИСОДИЙ РИВОЖИДА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ИНВЕСТИЦИОН КРЕДИТЛАРИНИНГ ЎРНИ. World Scientific Research Journal, 12(2), 254–262. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2556>
22. Назарова Муслима Назаровна. (2023). ЎЗБЕКИСТОНДА НОБАНК КРЕДИТ ТАШКИЛОТЛАРИ ФАОЛИЯТИ ВА УЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ . World Scientific Research Journal, 12(2), 214–228. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2552>
23. Khaitov, S. S., Nazarova, M. N., Urmonbekova, I. F., Xoliquiliva, Y. P. Q., & Bozorova, O. R. (2023). Mechanisms of Development of the Country’s Economy through Bank Loans. EUROPEAN JOURNAL OF INNOVATION IN NONFORMAL EDUCATION, 3(4), 9–15. Retrieved from <http://www.inovatus.es/index.php/ejine/article/view/1575>
24. Назарова, М. (2022). ПРАВОВЫЕ ОСНОВЫ МИКРОКРЕДИТНЫХ ОРГАНИЗАЦИЙ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН И АНАЛИЗ ИХ ТЕКУЩЕГО СОСТОЯНИЯ. Экономика и образование, 23(4), 73–80. извлечено от <https://cedr.tsue.uz/index.php/journal/article/view/566>



25. Назарова, М. (2022). ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА НОБАНК КРЕДИТ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ВА УЛАРНИНГ АМАЛДАГИ ФАОЛИЯТИ: *Экономика и образование*, 23(3), 71-78. [https://doi.org/10.55439/ECED/vol23\\_iss3/a11](https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss3/a11).
26. Салимов Шерзод Бахтиёрвич. (2023). Ўзбекистон иқтисодиётининг ривожланишида кичик бизнес корхоналарини венчур капитали орқали инновацион фаолиятини молиялаштириш. *World Scientific Research Journal*, 12(2), 229–236. Retrieved from <http://www.wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2553>
27. Қличев Б. (2023 а). Операцион фаолият таҳлилини ташкил этиш масалалари. *World Scientific Research Journal*, 12(2), 263–271. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2557>;
28. Салимов , Б., & Салимов , Ш. (2023). Янги Ўзбекистоннинг стратегик мақсадлари ва ривожланиши. *The Innovation Economy*, 1(01), 14–19. Retrieved from <https://ojs.qmii.uz/index.php/ej/article/view/354>
29. Xoliqulova, Y. (2022). STEPS IN THE PROCESS OF DENATIONALIZATION AND PRIVATIZATION OF PROPERTY IN UZBEKISTAN. *Journal of Integrated Education and Research*, 1(6), 6–10. Retrieved from <https://ojs.rmasav.com/index.php/ojs/article/view/368>
30. Ibragimova I., Tursunov U., Nosirova A. Auditing of financial reporting in the republic of Uzbekistan.// *International Journal of Management, IT & Engineering- Vol. 9 Issue 7, July 2019, ISSN: 2249-0558*
31. Ibragimova Iroda Rashid qizi (2023). Problems of planning the external audit process in commercial banks. *International Journal of Management, IT & Engineering. Vol. 13 Issue 05, May 2023, ISSN: 2249-0558,* [https://www.ijmra.us/project%20doc/2023/IJME\\_MAY2023/IJMIE2May23\\_Uzb.pdf](https://www.ijmra.us/project%20doc/2023/IJME_MAY2023/IJMIE2May23_Uzb.pdf)
32. Султанов, М., & Ахмедова, З. (2023). ИНСТИТУЦИОНАЛ ИНВЕСТИТОРЛАР ОРҚАЛИ ИҚТИСОДИЙ ЎСИШНИ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ. Приоритетные направления, современные тенденции и перспективы развития финансового рынка, 12–14. извлечено от <https://inlibrary.uz/index.php/financial-market-growth/article/view/18953>
33. Султанов, М. (2020). Значение стоимости чистых активов как показателя, отражающего привлекательность инвестиционных фондов. *Экономика и инновационные технологии*, (5), 115–122. извлечено от [https://inlibrary.uz/index.php/economics\\_and\\_innovative/article/view/11782](https://inlibrary.uz/index.php/economics_and_innovative/article/view/11782)
34. Тулаев, М. (2022). МОЛИЯВИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАР ҲИСОБИ АМАЛИЁТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ. *Архив научных исследований*, 2(1). извлечено от <http://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/1181>
35. Тулаев, М. (2021). Разработка методики определения уровня существенности в аудите. *Экономика и инновационные технологии*, (5), 52–60. извлечено от [https://inlibrary.uz/index.php/economics\\_and\\_innovative/article/view/12137](https://inlibrary.uz/index.php/economics_and_innovative/article/view/12137)